

# Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 21 май Чоршанба. № 39 (14431)

## Хуқуқий маданиятни ошириш мақсадида

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 20 май куни республика хуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, хуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Учрашувда халқимизнинг хуқуқий маданиятини ошириш, хуқуқшунос кадрлар тайёрлаш, қабул қилинган қонун ва қонунчилик ҳужжатлари моҳиятини аҳоли кенг қатламларига янада чуқурроқ етказиш билан боғлиқ масалалар ҳусусида сўз борди.

Мамлакатимизда давлат қурилиши, сиёсат, иқтисодиёт, маънавий соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади эркин, хуқуқий, демократик давлат барпо этишидир, деди жумладан Президент. Бу олий мақсадга эришишда халқнинг хуқуқий жиҳатдан билимли бўлиши, жамиятнинг сиёсий фаолиги, демократик тамойилларнинг кишилар онига теран сингиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг қонунларимиз одамлар онига ана шу тушунчаларни шакллантиришга қаратилган. Шу маънода халқимиз хуқуқий та-

фактурини юксалтириш, унинг ислохотлар ижросида сиёсатдаги фаолигини ошириш, эзгу мақсадларимизни қалбдан тушунишига ва қўллаб-қувватлашига эришиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Мулоқот чоғида ҳаётимизнинг барча соҳаларида қонун устуворлигига эришиш, давлат, жамият ва фуқаро манфаатлари уйғунлигини таъминлаш борасида хуқуқ-тартибот идоралари, шу соҳа ўқув юртлири, жамоат ташкилотлари олдига турган вазифалар атрофида муҳокама этилди. Республика Олий Мажлиси раиси Э.Халилов, Ақлия вазири С.Мирсафоев, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази директори А.Саидов, Конституциявий суд раиси Б.Эшонов, Тошкент юридик институти ректори Х.Бобоев ва бошқалар муҳокама этилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Учрашувда Республика Президентининг давлат маслаҳатчиси Б.Ғуломов, Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев, Президентнинг матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст, Президент девони ахборот маркази раҳбари А.Кучимов иштирок этди.

## Илмий-амалий анжуман

Навоийда Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар жамғармаси шаҳар ҳокимлиги ҳамда вилоятдаги айрим бошқа корхоналар билан ҳамкорликда «Инновацион-технологик ривожланиш ҳамда кичик ишлаб чиқариш инфратузилмаларини яратиш муаммолари ва истиқболлари» мавзуида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Анжуманда соҳа олимлари ва мутахассисларининг ана шу ҳақдаги маърузалари тингланди, ёшларни тадбиркорликка ўргатиш, бу бордаги таълим-тарбия тизимини шакллантириш масалаларига эътибор қаратилди. Анжуман қатнашчилари вилоятдаги йирик саноат корхоналари иш тажрибаси билан танишди. Анжуманда вилоят ҳокими Х.Ғафоров, Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар жамғармаси бошқаруви раиси Х.Абдураимов иштирок этди.

## АССАЛОМ ФЕСТИВАЛЬ!

XII Тошкент Халқаро кинофестивали эртага - 22 май куни ўз ишини бошлайди. «Умуминсоний қадриятлар ва миллий тараққиёт» шiori остида ўтказилган бу киноанжуман мустақил Ўзбекистон пойтахтида ўнлаб мамлакатлар кинематографчиларини тўплайди.

Фестивалнинг кўриқ намоишида 14 та фильм иштирок этади. Қолган фильмлар ахборот намоишида қатнашади.

Бир қатор мамлакатлар кинематографчиларининг таниқли намоёнларидан иборат фестивал ҳайъатини машҳур адиб ва драматург Чингиз Айтматов бошқаради.

Кинокўриқ голиблари учун бешта соврин таъсис этилади. «Олтин Ҳумо» бош соврини энг яхши фильм учун берилади. Аёл ролининг энг мохир ижросиси учун баҳор ва аёл гузаллигининг тисоли - «Олтин лола», эркак ролининг энг яхши талқин этган актёрга ҳамisha шийла бурканган дарахт шохчаси - «Олтин арча» совринлари топширилади.

Мукофотлар орасида кино санъатида миллий қадриятларни ва урф-одатларни юксалтиргани учун тақдим этиладиган афсонавий куш тисолидаги махсус соврин ҳам бор. Энг яхши дебют учун «Кумуш Семурғ» соврини топширилади.

Бу сафар Ўзбекистон ҳуқуқати фикр-уйларимизни қўллаб-қувватлаб, ҳамда фестивал мавқеини кўтариш мақсадида анжуманимиз совринларига бўладиган сарф-харажатларини ҳал қилишга ердан берди, - деди XII Кинофестиваль бош директори Темурмалик Юнусов. «Олтин Ҳумо» бош совринига 10.000 АҚШ доллари, «Олтин лола» ва «Олтин арча» совринларига 5.000 доллар, энг яхши дебют учун 2.000 доллар ҳамда миллий анъаналарни муваффақиятли ас эътиргани учун 3.000 доллар миқдорда мукофот белгилади.

XII Тошкент Халқаро кинофестивалига ҳам бир қатор давлатлардан киноюлдузлар ташриф буюради. Жумладан, Хиндистондан хинд киносини порлоқ юлдузи Джитендра ва янги юлдуз Мамта Куларни, Афғонистондан Муҳаммад Солиқ Обидий, Туркменистондан феоункор Майгўзал, Покистондан Ретам тақдиф этилган.

Бухоро, Қашқадарё, Фарғона ҳокимиятлари фестивал голиблари ва меҳмонлари учун қимматбаҳо совғалар тайёрлашган.

Ҳар бир фестивалнинг ўз маҳияти ва кўшиқлари бўлади. XII Халқаро Тошкент кинофестивалининг янги моҳияси шoir Абдула Орипов ва бастакор Анур Назаров ижодига мансуб. «Миллий тараққиёт ва умминсоний қадриятлар» шioriга ҳамоҳанг махфия киноанжуманимизнинг муносиб муқдсий шiori ва бегази бўлади, деган умиддамиз.

Фестиваль дастурига танлов ва ахборот намоишларидан ташқари ўзбек киноси асосчилари Наби Ғаниев ва Худойберган Девонин фильмларининг ретроспектив намоиши ҳам киритилган. Фестиваль кунлари меҳмонларимиз Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишадилар. Темурийлар даври тарихи Давлат музейига, Бадиий Академиянинг кўрғазмалар залига, қўҳна Самарқанд шаҳрига ташриф буюрадилар.

Халқимиз бағри кенлиги, меҳмондўстлиги ва олийжаноблиги билан дунёга танилган. Юртдошларимиз бу сафар ҳам қалбдан дустларга «Хуш келибсан!» дея қучоқ очмоқдалар. Зеро, тинчликни, умуминсоний қадриятларни ва миллий тараққиётнинг тараннум этганган Тошкент фестивали тилак ва ордунларимиз кўзуси, олий мақсадларимиз йўлидаги муштарак қалбларни боғловчи рамзий кўприқлар.

Феруза Нодирова



## Бўлажак дипломатлар — олимпиада голиблари

«Ўзбекистон иқтисодиёти жаҳон ҳўжалиги тизимида» мавзусида мамлакатимиз олий ўқув юртлири иқтисодиёт факультетлари талабаларининг республика олимпиадаси ўтказилди. Етти олий ўқув юртининг энг яхши талабалари холис иштирокчи — компьютерлар биричи марта синаовдан ўтказди. Бу синав Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари, унинг ташқи иқтисодий алоқалари, республика иқтисодиётининг иқтисодий жиҳатлари ҳамда иқтисодиётини ислоҳ қилиш, давлат тасарруфидан чиқариш ва ҳисчилаштириш йўллари яхши билишни талаб қилади. Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия Давлат Университетининг халқаро иқтисодий муносабатлар факультети учинчи курс талабалари Б.Ғафоров, К. Нурматов ва А.Жўрабоев олимпиада голиби бўлишди.

— Уқув-тарбия жараёни пухта ёйлаб ташкил этилган талабаларимизнинг яхши тайёргарлик кўриши учун асос бўлди, — деди факультет декани, профессор Абдулжаббор Расулов. — Биз иқтисодий фанлари бўйича лекция ўқишга АҚШ, Англия, Германия, Франция, Жапония, Япония ва Малайзиядаги етакчи университетларнинг таниқли мутахассисларини таклиф этмоқдамиз. Ўзбекистондаги хорижий ваколатхоналарнинг экспертлари, минтақа банк маркази мутахассислари билан ҳам фаол ҳамкорлик қиламиз. Вашингтон, Нью-Йорк, Кембриж, Ливерпуль ва Манчестер университетларининг таърибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган дастур талабаларимизнинг иқтисодий билимларига асос бўлмоқда. Олимпиадада голиб чиққан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия Университетининг талабалари халқаро иқтисодий олимпиадаларда иштирок этиш ҳуқуқини олади. Тест синавлари натижаларига кўра, Тошкент Иқтисодий Университети талабалари иккинчи, Самарқанд Давлат Университетининг Бўлажак иқтисодчилари учинчи ўринини эгалладилар.

## Анджон кучли боксчиларни кутмоқда

Анджонда барча спорт иншоотлари тартибга солинмоқда. Уларнинг бир қисми таъмирланмоқда ва қайта қурилмоқда — бу ерда бокс бўйича халқаро мусобақага тайёргарлик ишлари фаоллик билан бошланган кетди. Виллоят ҳокимиятининг қарорига мувофиқ, бу халқаро мусобақа Ўзбекистон мустақиллигининг олтин йиллиги шарафига ўтказилади.

Мусобақада иштирок этиш учун жаҳонга машҳур «Чарм Куп» усталарини таклиф этиш мўлжалланмоқда. Бу тадбирга 22 корхона ўз хомийлигини таклиф этади. Унлаб хўсусий фирма ва кичик корхоналар бўлажак мусобақага бағишланган буюмларни ишлаб чиқара бошладилар. Виллоят ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган бир қанча тадбирларнинг амалга оширилиши мусобақанинг юксак даражада ташкил этилишига кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки 1997 йил 20 майдан бошлаб ҳисоб ва болжона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг сўмга тисбаган қийматини 60 сўм 45 тишин миқдорда белгилади.



## Дўстлар жам бўлишди...

Пойтахтдаги «Туркистон» саройида Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ташкил этилган «Мустақиллик - бахтимиз, толеимиз, камалимиз» рукида шеърят баъми ўтказилди. Унда Қирғизистон, Қозғистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг таниқли шоирлари ўзларининг юракларни хиссиётга тўлдирувчи баркамол шеърларидан намуналар ўқидилар.

Мушоирани Ассамблея Президенти атоқли ёзувчи Чингиз оға Айтматов очаркан, жумладан шундай деди:

— Қадрли биродарлар! Шеърят муҳлислари! Биз ўз анъанамизни давом эттириб, мана бугун Тошкентда тўпланиб турибмиз.

Оқинларимиз, бахшиларимиз удумини маълум маънода тақдорлапмиз. Мақсадимиз - битта, яъни азалий дўстлик ришталарини янада мустаҳкам боғлаш.

Жонда азоб бўлмаса шеър туғилмайди. Ҳар бир халқнинг ўз дарди бор. Эзгу дардли шеър юракка яқин инсонларни бири-бирига яқинлаштиради. Бизнинг халқларимизнинг кечмиши бир-бирига ҳамоҳанг, уларнинг шеъриятида ҳам уйғунлик бор. Бугунги мушоирамизга - шеърят байрамга Марказий Осиёда яшовчи туркий халқларнинг энг забардаст шоирлари келишган.

Шундан сўнг мушоира бошланб кетди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов ўзбек шеърятининг атоқли, истеъдодли вакиллари саҳнага таклиф этаркан, куйидагича фикр билдирди:

— Бугунги мушоирада фақат Туркистон адабиётига эмас, балки жаҳон адабиётига муносиб ҳисса қўшган забардаст ижодкорлар иштирок этишмоқда. Бир замон бўлди баъзи шоирлар замон ғояларини куйлаб, мукофотларини олиб, мафқуранинг хизматчисига айланб қолишди. Мафқура ҳам турлича бўларкан - баъзиси ўлик, келажаги йўқ, баъзиси абадий.

Шеърят инсонни адирлар бағрига етакловчи, қизғалдоқлар билан ошно қилувчи куч. Саҳнада атоқли шоир Жуманӣз Жабборов, Ўзбекистон халқ шоира-

си Ойдин Ҳожиева, истеъдодли шоирлар Абдусалом Утепбергенов (Қорақалпоғистон), Абдували Қутбиддин ва Иқбол Мирзоларнинг чиқишлари муҳлислар томонидан қизгин кутиб олинди.

Ларзалардан тўлқинлана бошлаган саройни, қирмизи юраклар туғёнини сел қилиб оқизган Муножот Йўлчиеваннинг «Муножот» ашуласи бўлди. Куй сўнгиде Чингиз оға ашулачини кутларкан: «Мен Муножот билан Юлдуз Усмонованинг концертини Брюсселда кўрганман. Европани маҳлиё қилган Муножотнинг классикаси ва Юлдузнинг замонавий ўзбекона ашулалари ҳамда испан ва ўзбек мусикасини ҳамоҳанг қила олгани бўлди. Асли уларнинг ютуғи - ўзбек шеърятининг ютуғидир. Куй учун ҳам, ашула учун ҳам шеър керак» - деди.

Қозоқ халқининг машҳур шоири Мухтор Шаханов сўз оларкан: «Урсиларнинг шоири Светлов шогирдига қараб: «Кабутаргинам, ҳар бир шеърятнинг ўз шакл-шамойили бўлиши керак. Агар ўз шамойилингни тополмасанг, тўғри келган маршрутда юрвчи таксичига ўхша қолсан» - деган экан. Шоирлар ўз юртининг қайғусини, кувончи-ю гамини куйласа, ўшанда қозоқ ёки ўзбек шеърятини юксалади, унинг ўз шакли бўлади», дея фикр билдирди.

Мен туркий тили шоирларнинг шеърларини тинглаб эканман, уларда жанговарлик руҳини сездим, дўмбира, кўбиз - барча-барчаси шеър оҳангида мўжасам. Отлар дупири, туйларнинг майин йўргаси, чавандоз хайриғи, голиблик нашидаси буларнинг ҳар бири мукамал шеър. Инсон тилсимот, рух кудрати буюк.

Тожиқ лаҳжаси бир оз бошқача бўлса-да, шеърини тингласангиз шоир дардини англай бошлайсиз. Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Асқар Ҳакимов: «Бир гал Оврўпада Чингиз Айтматов билан бўлган учрашувда мен ҳам қатнашдим. Даврани бошқарувчи келиб менга ўз тилимда шеър ўқишимни айтди. Мен унга шеърларимни сўзма-сўз немис тилига ўгирилганлигини айтдим. У ўз сўзида туриб олди. Шунда, хўп, розиман фақат бир шартим бор,

ҳозир шеъримни сенга ўқийман, маъносини айтиб берасан, дедим. Рози бўлди. Шеърни ўқиб бўлгандим, у сен худого муножот қилдинг, деди. Мазмунини тўғри хис қилганидан севиниб кетдим».

Ҳа, шеърятнинг миллати йўқ. Барчага баробар сингийверади. Зеро, гуллар ифори, япроқлар шивирини, ирмоқлар мавжи, майсалар рақси, булбуллар хониши, қоқиғулдан бўса олган шабаданнинг югуриб қочиши ер юзининг ҳамма жойида бир хилда тароватли.

Шеър шеърга уланди, кўнгил гоҳ мухаббат шавқидан, гоҳ ватан туйғусидан маст бўлди. Сарой пештоқиға нафис терилган биллур қандиллар ҳамонанг жимирлар, дилларга завқ бахш этарди.

Она Туркистон теран томиларинг, забардаст чинолларинг муборак бўлсин! Ассамблея Президенти Чингиз Айтматов мушоира сўнгиде:

— Бизнинг ниятимиз эзгу, мақсадимиз ойдин. Яъни шеърятимизни дунё микёсига олиб чиқиш, жаҳон андозалари асосида шакллантириш.

Мен ушбу саройда ўқилган шеърларни тинглаб ниятимизга етишадиган кунлар яқин эканлигини хис қилдим. Халқимиз маданиятини янада теран англаш, мамлакатларимизда юз бераётган ислохотлар, маданий-маърифий соҳадаги ўзгаришларнинг аҳамиятини янада чуқурроқ хис қилиш, мустақилликини мустаҳкамлаш, инсон руҳиятининг нозик қирраларини кашф этишда шеърятнинг ўрни бекиёсдир.

Шаханов ва Утепбергенов шеърятдаги фалсафа, Иқбол Мирзо шеърдаги ўзига хослик юксак. Улар жаҳон илғор адабиёти билан тенглаша олишига ишонман, - деди.

Шу кун анжуман меҳмонлари, республикамизнинг таниқли адиблари иштирокида «Марказий Осиё мустақил давлатлари халқлари шеърятининг бугунги ва эртаси» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Уткир Раҳматов қатнашди.

Юсуф Жўраев, «Туркистон» муҳбири.

Чуқур шундай яшамасанлар

... Вовка уйга югуриб кириб оstonадан бақирди: "Ойи, Васьякамизни олиб кетишти!.."
Ониси халатида кўчага югурди. Соқоллари ўсган икки эркак уларнинг мушуги Васьякани полиэтилен қопга тикаётган экан. Шаҳарчамиз кўчаларида юрайдиган ҳамма мушук ва кучукларни ушлаб, еб бўлишди, дейишди Южадаги 2 - мактаб ўқувчилари.

... Туманга бўйсунувчи бу кичик шаҳарча Иваново вилоятининг бир четидеда жойлашган. Шаҳарча вазифаси бир-бирига бутунлай қарама-қарши муассасас— қадимги Холуй лок миннатгори устанонаси ва жиноятчилар узок қамок жазосини ўташ учун юбориладиган колония билан ном чиқарган. Кўшилар - палехликлар билан бирга маҳаллий расомлар шон-шўҳрат қозонган мини-атюра санъати ҳозир керексиз бўлиб қолди. Расомларнинг папье-маше ва бўёқ сотиб олишга пули йўқ, маҳаллий ўғриллар эса, оқ қолмаслик учун хизмат кўрсатган расомларнинг уйлари ва квартираларидан уларнинг энг яхши асарларини, иконаларини ўмариб кетишяпти.

- Ноннинг ўзига ҳар ойда 250 минг рубдан ортиқ пул кетяпти, - Ольга Владимировна ҳикоясини давом эттирди. - Кимларгадир бу кўпдек туюлиши мумкин. Аммо бизнинг емишимиз фақат нон ва картошка. Қолган пул туз, туғурт ва совунга зўрага етади. Баъзан озроқ ўсимлик ёғи, ёрма ва шакар сотиб оламиз. Сут, гўшт, сариёғни ўзимизга эп кўрмаймиз. Гўштни қўя турунт, болалар тўйиб нон емаядилар. Яқинда мен ниҳоят бўлак (аванс) олдим - нақд 100 минг руб! Уйга келгач болаларга келинлар, бирон ширинлик харид қилайлик, дедим. Тўнғичим катталарга хос жиддийлик билан: Йўқ, ойи, яна нонга пулимиз етмай қолади, деб жавоб қилди. Дарвоқе, яқинда армияга чақириниш олдидан бўлган тиб-

ХАЛОКАТ МАЙДОНИ

Болаларимиз очликдан ҳушидан кетаётганини ҳоқимият устиде турганлар билишармикин? - сўрашди мендан Иваново вилоятидаги Южа шаҳарчаси ўқитувчилари.

Колония эса, бунинг акси. Ҳозир унга талаб катта, ўз "мижоз"ларини сизга олмайтди. Шу колония туғайли Южа сил касаллигига чалиниш ва қамокдан чиққанлар сони жиҳатидан вилоятда ачинарли биринчи ўринда турибди, турмадан озод қилинганларнинг кўпчилиги яхши қисмат излаб, шу ерда қолиб кетмакда.

Фақат битта иллат бор. Маҳаллий эркаклар, шу жумладан тадбиркорлар, усталар учун ҳам Южада иш топилмайди. Тўқимачилар шаҳарчасида кўпчиликни ташкил қиладиган аёлларга ҳам иш топилмайди. Шаҳарчадаги энг катта корхона бир вақтлар бутун шаҳарчани иш билан таъминлаган йиғирув-тўқув фабрикаси эса ҳозир кимасиз, бу ерда ҳаёт даярли тўхтаб қолган. Минглаб одамлар шунчаки ишсиз эмас, балки яшаш учун керакли нарсасиз қолди. Аслида иқтисодий ислохотлар бошланган пайтдан буён (бу ислохотлар моҳиятини тўқимачилар ханузгача тушуниб етишмаган) уларнинг меҳнати бирдан давлатга керак бўлмади қолди. Ҳозир фабриканинг ўзи давлат мулки эмас. Акцияларнинг мутлоқ кўп қисми тўқимачиларнинг кўпчилиги танимайдиган москвалик одамлар қўлида. Корхона тақдирини ўшалар ҳал қиляпти. Ҳатто директор Ирина Шувованинг бу ердаги "хўжайинлиги" ҳам шартли равишда. Оқдий ишчилар тўғрисида гапирмасам ҳам бўлади. Южа тўқимачилари бундай аҳволга қўнма олмашяпти. Бир умр уларга: фабрика мўрнисига яқинроқ бўлинг, кам бўлмайсиз, деб қўлоқларига қўйиб келишган. Фабрика ҳақиқатдан ҳам барқарор иш ва иш ҳақи, квартира ва даволаниш учун йўлланманинг кафолати эди. Тўқувчилар менга "ривожланган социализм даврида" қандай яшаганликларини завқланиб сўзлаб беришди, у вақтда "фақат яхши ишласанг кифоя, қолган ҳамма нарса тўғрисида корхона ва давлат ҳаммулк қиларди". Уларнинг англисча капитализмлаш "янги руслар" томонидан жуда бўзиб юборилган. Масалан, улар маҳаллий мануфактура ширкатининг асосчиси Асикрит Балин маблагни ҳисобига қуриган уйлар, кутубхона, касалхона, санаторий ханузгача шаҳардаги энг яхши иморатлар эканини таъкидлашди. Савдогар Балин фабрика қориде сақланиб қолган яхши ташкил этгани ҳам тарихда сақланиб қолган. Ҳаммом, кирхона ҳам текин эди. "Вольво" машиналарида юрайдиган ҳозирги ёш "хўжайинлар" эса ишчиларни унутиб қўйгани етмагандек, маҳаллий бюджетга тўланадиган солиқдан даярли тўрт миллиард рубль қардор бўлиб қолган. Кичкина Южа шаҳарчаси учун бу жуда катта маблаг.

Давлатнинг ўзи қашшоқ оилаларни шиллаётган пайтда "янги руслар" ни виждониде бўлишга чақиринишдан не фойдала? Тўрт ойдики, қариялар аризмас пенсиясини ололгани йўқ. "Бизни очликдан ўлдириб, шу йўл билан ортиқча юкдан халос бўлишмоқчига ўхшайди", - деди орден планкалари ўрнатилган костюми орияқдангидан осилиб қолган бобо кўз ёшларини тиз олмай. У муболага қилаётгани йўқ - қўллаб меҳнат фахрийлари бир неча ойгача пенсия олмай, иш кетяпти. Уларнинг ўлими тўғрисидаги гувоҳномага "склероз" деб ёзишди. Аслида эса тўйиб оқватланмаслик оқватидеда организм ожиз бўлиб қолган. Чунки кесалларда қўнча нон сотиб олишга ҳам пул йўқ. Бу аҳволни кўриб ташвишга тушган маҳаллий маъмурият бюджет супрасини қоқиб, бор маблаг ва "янги руслар" садақа қилган 8 миллион рублга очликдан силласи қуриган қашшоқлар учун ошхона очди. Уз саломатлигини давлатга бахшида қилиб, умрини охирида давлат эътибор бермай қўйган 40 кишини 2 ҳафтадан буён хушига келтиришмайтди. Бундай муҳтожлар эса, камда 400 нафар қариядан иборат. Энди ўзини ҳисоблайверинг, охиригисига қачон навбат келаркин?

Каришларни тўйдириб оқватлангидангидан кунгача улар тирик бўлармикин? Буни яхши ангаган туман маъмуриятининг янги бошлиғи Валентина Сисева жуда ноқорларга сўт ва нонини уйига элтиб беришни ташкил қилди... Балки улар ҳозир Южадаги сўнги ит ва мушукларни овлаетган соёқ мажбусларга нисбатан жилла бўлсада яхшироқ яшайтандир...

Мана, Южадаги 2-мактаб ўқитувчиси Ольга Владимировна Блинкованинг бир ойлик оиланинг бюджети. 22 йилдан буён ишлаётган бу педагог 400 минг рубл маош олади. 17 яшар тўнғич ўғли 83 минг рубл микдорда ишсизлик нафақаси олади. Воёга етмаган икки фарзандида эса давлат 53 минг рубдан нафақа беради. Ойла бошлиғи - бечора ота қочиб кетган. Тўрт йилдан буён қарда яшаш осонлигини излаб даярли юришиб, оиласига бир тийин ҳам юбормайдди. Қизи эса онасига ортиқча оқ бўлмаслик учун икки соқол Южадан Тўнғичдан қариндошлариникига кетган. Мана энди яқун чиқарамиз: Она ва унинг ўғли бир ойда 600 минг рубл олиши мумкин эди, "мумкин эди", лекин ололгани йўқ. Она икки ойдан буён маош олмаган, болалар нафақаси беш ойдан бери тўланмайтди, ишсизлик нафақаси эса ўтган йилнинг май ойидан буён тўланмайтди. Энди ҳар ойда квартира учун 48 минг рубл, электр энергия ва телефон учун 25 минг рубл тўлаш лозимлигини ҳисобга олайлик. Ҳамма харажатлар учун 500 минг рубдан сал кўпроқ пул қолади, бу оиланинг ҳар бир аъзоси ҳисобига 125-130 минг рублга тўғри келади. Камтарона яшаш учун энг кам маблаг эса 283 минг рубл. Бу ерда эса 2,5 баробар кам...

Бий комиссияда врачлар унинг ҳаддан ташқари орияқлигини қайд этди. Фақат менинг ўғлимни бундай аҳволга тушган? Южада армияга қақирладиганларнинг ярми—дистрофик (дистрофия, касаллига, учраган... Болалар учун оқватга пули етмаса, ўсиб турган фарзандларига қийим-кечак ва пайабазни қайси пулга сотиб олмақда? Буни сўрашга ҳам ҳожат йўқ, ўша мактаб ўқитувчилари баъзи болалар қийими, пайабазли йўқлиги сабабли мактабга келмаётганини айтиб беришди. Игирма беш даража совуқда юпқа пайпоқ билан резина этик кийиб синфга келган болани кўришинг ўзи бўлмайди, ахир.

Майли, Блинковлар оиласига қайтайлик, улар қандай омон қолишган. Нима ҳисобдан яшашяпти? Томорқа оқдан ўлмасликка ёрдам беришти. Уйдан беш километр масофада Блинковларнинг ўн сотих ери бор. Рост, ўтган йили фалокат юз берди. - Блинковларнинг тўртта велосипедини ўғриллар ўмариб кетишти, устакчага пиёда қатнашга тўғри келди. Учасканинг анча қисмига картошка экилади. Яна қишга киркча ўз литрли банкда добринг, 10 та банка помидор ва яна шунча қарам гамланди. Лекин март ойининг охиригача ҳаммасини, ҳатто картошкани ҳам еб тугатишти. Бақорининг биринчи ойдан ойда учун энг қийин очлик даври бошланди.

Фақат Блинковлар шу аҳволга тушгани йўқ. Южадаги 30 минг ақолидан даярли 10 минг пенсионерлар ва ногиронлардир. Яна 6 минг нафари - болалар. 14 минг меҳнатга қобилиятли ақолидан атиги 8 минг нафари иш билан таъминланган. Қолганларидан даярли 3 минг нафари меҳнат биржасида рўйхатга олинган, лекин ўтган йилнинг май ойидан буён ҳеч ким бу нафақани олган эмас. Яна уч минг киши яширин ишсизлик қурбонидир. Ахир буларнинг ҳаммасининг фарзандлари бор... Ҳайриятки, Россия болалар жамғармаси ҳайри ёрдами билан етиб келди. Болалар жамғармаси бошқаруви Южада кўча ошхона очди. Ва бир ой давомиде энг оқ қолган 500 нафар болани боқди. "Энг оқ қолган" деган тушунчанинг ўзи шартли тушунча. Уқитувчилар менга ана шундай оқватдан сўнг "хайрия таомига муҳтож бўлмаган" болалар келиб, тенгдошларидан қолган ушоқларни тегиб ейишганини сўзлаб беришди. Бошқа мактабда эса ўқитувчиларнинг ўзлари қолган қўймоқ ва нонларни тегиб, лилоқчани синфга олиб келишган. Ва оқ-наҳор болаларни оқватга ташланганини кўрмаслик учун синфдан чиқиб кетишган.

Шундай дақиқлиги шароитда ҳам ўқувчиларимиз олийжаноблик қилишмоқчи, мактаб директори Валентина Константиновна Рибина титроқ овоэ билан сўзлади. - Камбағал оилалар бир қиз бепул ноушга ва тушлик оларди. Бир қуни у ўқитувчининг олдига келиб "мумкинми, мен фақат тушлик қилсам, менинг ўрнимда дугонам ноушга қилса? Унинг уйдан ейдиган ҳеч нарса йўқ", деган. Болаларнинг очликдан ҳушидан кетиб йиқилиш ҳоллари ҳам учрайтди...

Эки бундай манзарани тасаввур қилинг. Кузда, картошкани қовлаб йиғиштириб олиш пайтида юқори синф ўқувчилари билан жамоа хўжайинига ёрдам беришга кетаётган эдик. Йўлда мактабга бормай, қишга картошка гамлаш учун далага пиёда кетаётган болаларни автобусга чиқара бошладик. Яна оқ қолди ҳарфи уларни далага боришга мажбур қилмоқда. Бу озиб-тўзиб кетган болалар телевизор орқали кўрсатиладиган ҳар қандай синкерселар ва ширин таёқларга тўғрисидаги рекламани қандайдир ёзувлар ҳақидаги эртқалдай томоша қилишди. Биз педагоглар, ота-оналар ҳам буни ақлимизга сиғдира олмаймиз. Биз буни болаларни тақдирлаш дейимиз.

Аммо бундай реклама бераётганлар қачонлардир Южага келишларига, оқ болаларнинг қўзига қарашларига умин қилиш содаллик бўлур эди. Қани энди улар ҳеч бўлмасам гам, қуфлат, қашшоқлик қайд этилган юзлаб картошқалар сақланаётган маҳаллий ижтимоий муҳофаза бўлимига назар ташласалар. Шу сабабли бу ҳужжатлардан озгинасини келтирамиз:

ПРабочная кўчаси, 34-уйдаги Кўзеновлар оиласи. Печка билан иситилмайдиган ҳусусий уйда яшаш. Ушар сотиб олишга пул йўқ. Уқувчи аёлининг иш ҳақи 80 348 рубл, эри ишсиз... Жон бошига 31 минг 800 рубл тўғри келади.

ПДубинский кўчаси, 16/14. 46-квартирада яшовчи Рузавиналар оиласи. Лармадан деген жонига йўқ деган мавнода чиқиб тортишган. Уч боласи, кекса бемор буисси бор, ота-она ишсиз.

ПМолодёжная кўчаси 16-уй, биринчи квартирада яшовчи Ворухиналар оиласи. Оилада 2 фарзанд бор. Лармадан келадиган жон йўқ. Фақат томорқа бор.

ПЛувинский тор кўчаси, 7-уй, 83-квартирада яшовчи Петяревлар оиласи. Икки хонали квартирада 14 киши яшайди. 12 бола, ота-она ишсиз.

Бу атириш ва давримиз учун шармандалай рўйхатни давом эттириши мумкин. Ақволнинг бу қадар ноқорлигига мулкдорлар, айниқса ҳоқимият устиде турганлар ишонини-шонмаслигини билмайман. Шу сабабли уларни Южага келишга тақдиф қиламан. Шаҳарчага келиб, бу ердаги аҳволни ўз кўзлари билан кўриш зора саховатли бўлишимизга ёрдам бера, атрафга назар солишга, бу ачинарли аҳвол тўғрисида уйлашга мажбур қилса...

Владимир Кизов, Иваново вилояти ("Труд" газетасининг 1997 йил 16 май сонидан)

МАРОМАТ ҚУРБАКЛАЙДИ ВАТАНАНИ

АСКАРЛИК ҚАСАМЁДИ



1997 йил 18 май куни Тошкент вилояти ҳудудидаги ҳарбий қисмда ёш аскарлар қасамёд қабул қилишти. Бизни қувонтирган нарса тантаналарнинг кўтаринки рўқда байрамона кайфиятда ўтганлиги бўлди. Ушбу маросим очилишида ҳарбий қисм қўмондонлиги офицерлари Каримов К.А., А. Сатторов, Қ. П. Раҳимбобоев ва бошқа зобитлар қатнашди.

Миллий ҳарбий формаларни кийиб шахдам қадамлар билан қуриқдан ўтаётган ёш аскарларни кўриб кўзингиз кунвайд.

Капитан Раҳимбобоев Қодир Пўлатович, шахсий таркиб бўйича ҳарбий қисм қўмондони муовини: "Ёш аскарларимизга бошланғич илм беришда унчалик қийналмадик. Ёш аскарларимизнинг кўпчилиги яхши тайёргарлик кўриб келишган экан.

Бугунги қақирлуқларнинг қўпи жисмонан етук ёшлар. Улар зиммаларига оқлатилган жисмоний вазифаларни пухта бажара олаётдилар. Бу ўринда спорт билан шуғулланиб чиникқанлар дардор назарга тушади.

Мактабларда Бошланғич ҳарбий тайёргарлик деган дарс ўтилади. Мана шу дарсга эътибор қўқайтирилса, оилада ҳарбий хизматга нисбатан ота-оналар ўз ўғилларининг қалбиде меҳр-муҳаббат уйғотишса мақсадга мувофиқ бўларди. Ушбу тантанадан сўнг ёш аскарларнинг ота-оналари билан сўзбашланганимизда, улар ўз фарзандларининг мустакил юртимиз ички ишлар қўшиқлари сафлариде хизмат қилишяётганларидан қурурланиб гапиришти. Тантанали маросим тугагач, аскарлар уларнинг ота-оналари ва меҳмонлар учун турли ноз-неъматлар билан безатилган дастурхон эзилди. Ўзбекистон суомили таомини ош тортилаб, ёш аскарлар ижросиде қуй-қўшиқларга улашиб кетди. Ҳамда фахрийлар қасамёд қабул қилган ёш аскарларга ўз қасамёдларига содик қолиб, ватан олдидеги муқаддас бурчларини бажаришда сижоат кўрсатишларини тилаб қолдилар.

Лутфулло СУВОНОВ, "Туркистон" мухбири.

ҚОНУН МУҚАММАЛЛИГИ

Қонун ижодкорлиги ва танимизда ҳеч қачон бу қадар илдам олиб борилмаган эди. У билан шуғулланиш ўта масъулиятли, ҳам амалий, ҳам илмий фаолият. Эътироф этиш керакки, қонун лойиҳаларини тайёрлаш фақат ҳуқуқшуносларнинг ҳақиқатий асоси бўлиши керак.

Қонун ижодкорлиги борасиде ўз анъаналаримиз ва ютуқларимиз бор. Айни вақтда кўп масалаларда нўқсонлардан, баъзи эски мустабилликдан қолган ақидалардан тезроқ воз келишимиз керак. Бунга эришиш бир қатор имкониятлардан фойдаланишни тақозо қилади. Чунки, муқаммал қонунларни чўқур таҳлил қилиш, улардаги змон талабларига мос келадиган қондалар, тартиблар, меъерларни аниқлаш, шу аснода янгиларни ижод қилиш зарур.

Қонун ижодкорлиги борасиде ўз анъаналаримиз ва ютуқларимиз бор. Айни вақтда кўп масалаларда нўқсонлардан, баъзи эски мустабилликдан қолган ақидалардан тезроқ воз келишимиз керак. Бунга эришиш бир қатор имкониятлардан фойдаланишни тақозо қилади. Чунки, муқаммал қонунларни чўқур таҳлил қилиш, улардаги змон талабларига мос келадиган қондалар, тартиблар, меъерларни аниқлаш, шу аснода янгиларни ижод қилиш зарур.

Қонун ижодкорлиги борасиде ўз анъаналаримиз ва ютуқларимиз бор. Айни вақтда кўп масалаларда нўқсонлардан, баъзи эски мустабилликдан қолган ақидалардан тезроқ воз келишимиз керак. Бунга эришиш бир қатор имкониятлардан фойдаланишни тақозо қилади. Чунки, муқаммал қонунларни чўқур таҳлил қилиш, улардаги змон талабларига мос келадиган қондалар, тартиблар, меъерларни аниқлаш, шу аснода янгиларни ижод қилиш зарур.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда қиришшида дастлаб бундан мақсад нима эканини, қандай масала тартибга солиниши кўзда тутилган, қонуннинг моҳияти, таркиби, асосий тамойиллари, бажариш механизми, қимларга қандай ҳуқуқлар берилиши ва мажбуриятлар юкланиши, қондаларни бажармаслик оқибаглари чўқур муҳокама қилиниб қонун концепцияси тузилиши лозим.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда қиришшида дастлаб бундан мақсад нима эканини, қандай масала тартибга солиниши кўзда тутилган, қонуннинг моҳияти, таркиби, асосий тамойиллари, бажариш механизми, қимларга қандай ҳуқуқлар берилиши ва мажбуриятлар юкланиши, қондаларни бажармаслик оқибаглари чўқур муҳокама қилиниб қонун концепцияси тузилиши лозим.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда қиришшида дастлаб бундан мақсад нима эканини, қандай масала тартибга солиниши кўзда тутилган, қонуннинг моҳияти, таркиби, асосий тамойиллари, бажариш механизми, қимларга қандай ҳуқуқлар берилиши ва мажбуриятлар юкланиши, қондаларни бажармаслик оқибаглари чўқур муҳокама қилиниб қонун концепцияси тузилиши лозим.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда қиришшида дастлаб бундан мақсад нима эканини, қандай масала тартибга солиниши кўзда тутилган, қонуннинг моҳияти, таркиби, асосий тамойиллари, бажариш механизми, қимларга қандай ҳуқуқлар берилиши ва мажбуриятлар юкланиши, қондаларни бажармаслик оқибаглари чўқур муҳокама қилиниб қонун концепцияси тузилиши лозим.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда қиришшида дастлаб бундан мақсад нима эканини, қандай масала тартибга солиниши кўзда тутилган, қонуннинг моҳияти, таркиби, асосий тамойиллари, бажариш механизми, қимларга қандай ҳуқуқлар берилиши ва мажбуриятлар юкланиши, қондаларни бажармаслик оқибаглари чўқур муҳокама қилиниб қонун концепцияси тузилиши лозим.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда қиришшида дастлаб бундан мақсад нима эканини, қандай масала тартибга солиниши кўзда тутилган, қонуннинг моҳияти, таркиби, асосий тамойиллари, бажариш механизми, қимларга қандай ҳуқуқлар берилиши ва мажбуриятлар юкланиши, қондаларни бажармаслик оқибаглари чўқур муҳокама қилиниб қонун концепцияси тузилиши лозим.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда қиришшида дастлаб бундан мақсад нима эканини, қандай масала тартибга солиниши кўзда тутилган, қонуннинг моҳияти, таркиби, асосий тамойиллари, бажариш механизми, қимларга қандай ҳуқуқлар берилиши ва мажбуриятлар юкланиши, қондаларни бажармаслик оқибаглари чўқур муҳокама қилиниб қонун концепцияси тузилиши лозим.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда қиришшида дастлаб бундан мақсад нима эканини, қандай масала тартибга солиниши кўзда тутилган, қонуннинг моҳияти, таркиби, асосий тамойиллари, бажариш механизми, қимларга қандай ҳуқуқлар берилиши ва мажбуриятлар юкланиши, қондаларни бажармаслик оқибаглари чўқур муҳокама қилиниб қонун концепцияси тузилиши лозим.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда қиришшида дастлаб бундан мақсад нима эканини, қандай масала тартибга солиниши кўзда тутилган, қонуннинг моҳияти, таркиби, асосий тамойиллари, бажариш механизми, қимларга қандай ҳуқуқлар берилиши ва мажбуриятлар юкланиши, қондаларни бажармаслик оқибаглари чўқур муҳокама қилиниб қонун концепцияси тузилиши лозим.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда қиришшида дастлаб бундан мақсад нима эканини, қандай масала тартибга солиниши кўзда тутилган, қонуннинг моҳияти, таркиби, асосий тамойиллари, бажариш механизми, қимларга қандай ҳуқуқлар берилиши ва мажбуриятлар юкланиши, қондаларни бажармаслик оқибаглари чўқур муҳокама қилиниб қонун концепцияси тузилиши лозим.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда қиришшида дастлаб бундан мақсад нима эканини, қандай масала тартибга солиниши кўзда тутилган, қонуннинг моҳияти, таркиби, асосий тамойиллари, бажариш механизми, қимларга қандай ҳуқуқлар берилиши ва мажбуриятлар юкланиши, қондаларни бажармаслик оқибаглари чўқур муҳокама қилиниб қонун концепцияси тузилиши лозим.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда қиришшида дастлаб бундан мақсад нима эканини, қандай масала тартибга солиниши кўзда тутилган, қонуннинг моҳияти, таркиби, асосий тамойиллари, бажариш механизми, қимларга қандай ҳуқуқлар берилиши ва мажбуриятлар юкланиши, қондаларни бажармаслик оқибаглари чўқур муҳокама қилиниб қонун концепцияси тузилиши лозим.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда қиришшида дастлаб бундан мақсад нима эканини, қандай масала тартибга солиниши кўзда тутилган, қонуннинг моҳияти, таркиби, асосий тамойиллари, бажариш механизми, қимларга қандай ҳуқуқлар берилиши ва мажбуриятлар юкланиши, қондаларни бажармаслик оқибаглари чўқур муҳокама қилиниб қонун концепцияси тузилиши лозим.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда қиришшида дастлаб бундан мақсад нима эканини, қандай масала тартибга солиниши кўзда тутилган, қонуннинг моҳияти, таркиби, асосий тамойиллари, бажариш механизми, қимларга қандай ҳуқуқлар берилиши ва мажбуриятлар юкланиши, қондаларни бажармаслик оқибаглари чўқур муҳокама қилиниб қонун концепцияси тузилиши лозим.

ТАДБИРКОРГА ТАРАФ ЙЎҚ

Бобоқонни уйлантираётган нарса маблаг масаласи эди. "Нима қилсам экан? Балки, бирортасидан қарз кўтарарман?" -Яхшиси, туман "Тадбиркор" банкида Юсуф Қўчқоров деган ташкилотчи бор, учрашсанг, ёрдамини аямайди- деди ҳамкасбларидан бири. Яхши маслаҳат унга қанот бўлди.

Бир неча кун ўтар-ўтмас банкдаги ҳисоб рақамига шунча маблаг келиб тушди. Улар пилта ва гинг ишлаб чиқара бошладилар. Бу қурилиш материаллари эса эътиёж кам эмас. Чунки, Қумқўрғонда томорқа олганлар, янги ўй қуришга қиришганлар сони ортиб бораётди. -Бундай ишбилармонлар сонини янада кўпайтираймиз- дейди "Тадбиркор" банки бошқарувчиси Юсуф Қўчқоров. -Айниқса, яхна ичимликлар ва минерал сув тайёрлаш, вино ишлаб чиқариш учун қарз олган кишиларнинг иши ўнгидан келипти. Айни пайтда туманда 15та дўхдон хўжалиги, ҳуеуси ва кўшма корхоналарда хизмат турлари кўпайтирилди. Биз тадбиркорларни доим қўллаб-қувватлаб турибмиз. Жоели ХУШБОҚОВ, "Туркистон" мухбири.

Бунинг йўли осон, деди ёш тадбиркор мутахассис Ю. Қўчқоров. Дарвор ҳужжатларини тўғрилган. "Бизнес-фонд" орқали бизнинг банкимиздан кам фойз билан қарз олаёчи. Омадни қарангки, Юсуф деганлари кўл-оёғи қаққонгина йиғит экан. Шу захотиёқ ҳужжатларини ҳал қилишга кўмаклашди. Бобоқон 450 минг сўм қарз сураб ариза ёзди.

1966 йил 16 декабрда қабул қилинган Фуқаровий ва сисий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро ҳужжатда ушланган ва қамалган шахс бу ҳақда сулга шикоят қилиши, суд эса уни эшитиши ва қўлланган қорани текшириши мумкинлиги белгиленган. Мазкур қонда даярли барча ривожланган мамлакатларда жорий этилган. Мустакил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларга тавсия этилган намунавий Жиноят-процессуал кодекседа ҳам мажбурий чоралар фақат суднинг руҳсати билан қўланиши мумкинлигини кўзда тутилган. Бу демократик, инсонпарвар қондир. Маълумки, у ёки бу ма-



ИРМОҚЛАРДАН БОШЛАНАР ДАРЁ...

Оқ йил оғрида Нормурод НАРЗИЙ.

Дарё ирмоқлардан бошланади. Ёш кучлар - адабиётимизнинг, санъатимизнинг сарчашмасидир. Маънавий, маданий, илим-фан - буюк халқимизнинг бебаҳо хазинасидир.

РУХИМ, МЕНИ ҚУЛЛА...

Шамоллар чайқатар руҳини аста, Бўронлар кўнглимни қилар шикаста, Қалбимда зўр умид бўлсин ҳукрон,

Тик боқдим гамларга нафрат кўзи-ла, Юрдим юракдаги иймон сўзи-ла,

Иймондир руҳимнинг содиқ посбони, Инсонни асрайди виждон, иймони,

ЭРГАШ АЛИ МИРЗО, Наманган иқтисодий институтини толиби

ЎЗБЕКИСТОН

Таърифнинг битарман бугун, Серкўёш ҳур Ўзбекистоним.

Юртим, сента шундай шод кунда Тилайман кўп бахтли истиқбол.

Боболарнинг пок руҳи бугун Сента йўлдош, сенгадир ҳамдам.

Мунаввар САЙФУЛЛАЕВА, Гулистон Давлат Университети талабаси.

БАТАН МАДҲИ

Мен шу юрда туғилиб ўсдим, Қўшиқларим қўйладим такрор,

Чинорларнинг тарихинг сўзлар, Чаманзоринг ҳади этар гул,

Ҳар чечакда сенинг меҳринг бор, Ҳар юракда Темурлар яшар.

Сен шундайин буюк маъвосан, Қад ростлайсан қалба қатма-қат.

Нилуфар ТУРСУНОВА, Қарши Давлат Университети талабаси.

МУВАШШАҲ

Бўм-бўш юракларни шодликка тўлдир, Ахтариб юрмасин сени ҳеч бир зот.

Дилфуза РЎЗИЕВА, Самарқанд Давлат чет тиллари институти талабаси.

Менинг тонгим отмоқ бўлиб ботиб кетди, Кўз ёшларим ёноғимда қотиб кетди.

Бир сўзингиз юрагимга ботиб кетди, Дийдам эса тошлардайин қотиб кетди.

Соғинг йиғлар ўнсиз-ўнсиз қароғимда, Олдингдай шиддат йўқдир яроғимда.

Нодира ҲАСАНБОВА, Гулистон Давлат Университети талабаси.

Ёнган кўзлариди гами кўрмайсиз, Фақат юрағида доим бир ўқинч.

Суймасангиз суйиб ўтаверадим, Шерълариди ишқи тўладир ўқинч.

Мен энди гамларга буйин эгмайман, Энди аламларга бўлмайман ошно.

Сизни деб ўзимни ҳокисор қилдим, Ҳар кўчага кирди ҳаёлим.

Шоира СЕВИНЧ, Фарғона Давлат Университети талабаси.

КЎЗ ЁМҒИРИ

Савалай бошлади саҳардан ёмғир, Хаёлларим яна гамгин тус олди.

Шаллабо кўчага тикиламан жим, Бирдан кўз олдимида пайдо бўласан.

ЎЗБЕКМАН

Ўзбекман, миллатим таърифинг буюк, Улуғ зотлар руҳи тирик қонимда.

Қай миллат шунчалар эъозлар ўзин, Қачонлар ўтган бир қариндош ёлда.

Хотиранг барҳаёт, ўчмас тарихинг, Авлоддан-авлодга ўтажак мудом.

Қафолат бергумдир, биронта миллат, Бу қадар асрамас қадриятларин.

Эй, улуғ миллатим, бор бўл дунёда, Қи жоним бор экан ҳис этай сени.

Шахло МИРЗАЕВА, Тошкент Давлат иқтисодий университети талабаси.

ТЎРТЛИКЛАР

Ишқдан дардларимга бичдим андоза, Куламан... юракда муҳаббат йиғлар.

Дарвозанг ланг очик... кирдим, бироқ Кўнглим парласига урилиб кетдим.

Дилфуза РАШИДОВА, Гулистон Давлат Университети талабаси.

ОЛТИН БЕЛАШЧАК

Муҳаббат илоҳдан Социлган сурат, Гулзорга тўқилиб қолган кўнгилар.

Муҳаббат қуёшдан таралган шуъла, Тоғларда сув билан оққан орзулар.

Муҳаббат заминдан Кўқарган дарахт, Учиб кўнганлари тахтта етганлар.

Муҳаббат дунёдан йиғилган гавҳар, Муҳаббат тугилиш, Муҳаббат яшаш.

Муҳаббат ошиқлар Кўмилган тулроқ, Баҳорда кўқариб кўзда барг тўқар.

Ақром ҲАЙДАР, Самарқанд Давлат Университети толиби.

Кўнгли асир, Юрак қаср, Сигаварар қанча бўлса Ситамларинг.

Мен сизни кутаман, кутаман, Эзилиб кетади юрагим, Бир бора келмайсиз.

Нигора АБДУҚАҲОР ҚИЗИ, Фарғона Давлат Университети талабаси.

ОЙИМ БИЛМАСИН ЧУМОЛИ

Кирпитиканга Деди Ғанишер: -Бунча итнанг кўп,

Ахир қўйлагим Қолди йиртилиб, Урикнинг шохи

Уйга тез бориб Олиб келай ип. Ойимга айтмай

Бели қилдай бўлса ҳам, Ишламай турмас бир дам.

Тўғри, меҳнаткашлиги, Лол қолдирган ҳаммани.

Қани, айтинг, шу ишин, Бўладими тўғри деб?

Ориф ТЎХТАШ, Самарқанд Давлат Университети толиби.

ЎРИЖОНИМ, КЕЛГИН

Номинг атаб ҳайқирдим, қайтди садолар, Дилга ором беролмас сенсиз саболар.

Садолар қайтди-ю, сен қайтмадинг, ёр, Субҳу-шом йўлингни кутардим такрор.

Мен тавоф айлайман босган изларинг, Кўз олдимида кетмас, ҳамон кўзларинг,

Умид-ла мен ёниб яшайман, ишон, Ваелингда сизиниб яшайман, ишон.

Кадроним ўзингиз Азим, отажоним, меҳрибоним ўзингиз,

Мендан-да мусаффо кўз ёшим ҳам бор... Сен унда... яшайсан мендан бешроқ.

Дилноз РЎЗИЕВА, Гулистон Давлат Университети талабаси.

Не ёлгон битиклар бўлдилар ноёб, Субутсиз нодонлар аталди фозил.

Бугун дил мунаввар ёзуқ истаиди, Пок пирлар ёнидан излаб меърифат.

Истардим эритса дилни шу тоат, Истардим Ҳақ сўзи кезса борлиқда.

Шу тоб дил тангридан сўрайди паноҳ, Ул улуғ ажрингни беришдан олдин.

Сендан-да ширинроқ тушим бор... Сен унда барибир борсан... ҳусниси -

Сендан-да гўзалроқ Баҳор бор менда... Сен унда гўёки бедилу беишқ.

Сендан-да мусаффо кўз ёшим ҳам бор... Сен унда... яшайсан мендан бешроқ.

Ўринбой ҲАМРО, Фарғона Давлат Университети толиби.



МОҲИМ НОДИРАНИ ҚЎМСАЙМАН, ОНА

Вужудимни чулғаб фиғону алам, Дардимни қоргога тўқмоқда қалам.

Вафо чаманида яқлона бир гул, Булоқдек мусаффо дурдона бир дил.

Юрда эрк қуёши порлаган замон, Ғазал бир ёнда-ю, қўшиқ бир томон.

Ғўзал МУҲАММАДЖОНОВА, Фарғона Давлат Университети талабаси.

ЕТМАҒАН... ЭРМАТ АКАМ ЎРИНБОВЕ ХОТИРАСИГА

Эрта бизни ташлаб кетган, Кўнгиллари ғашлаб кетган.

Зор йиғлатиб онасини, Етим қилиб боласини.

Қирчиллама қирқ ёшга ҳам, Тўлолмайин ўтган акам.

Уйчан боқиб қабрингизга, Энди етим қадрингизга.

Сизга ярашади ифқат-латофат, Сизга ярашади буюк муҳаббат.

Юраклар ёнади боқинингиздан, Кўнгиллар қувонар юринингиздан.

Майли ишқингизда ёнайлик бизлар, Майли маҳинингизни қуйлайлик бизлар.

Маҳмуджон ХОЛТЎРАЕВ, Фарғона Давлат Университети толиби.



Муштарий баҳса гормайди

Устидош кўнглимизда ўз юртимизга ҳақиқий эгаллик туйғусини пайдо этди. Бозор иқтисодиёти қарамликка баҳам бериб, жамият тараққиётини белгил...

Жамиятимиздаги буюк ўсиш, ўзгариш, янгиланиш каби илҳомий ҳодисалар таваққуф, дид, савия ва эстетика эҳтиёжидан ҳам аниқ, тиниқ сезилиб турибди. Кунни кеча юксак собиқ иттифоқ давлат мукофоти билан тақдирланиб, кўплаб хоржий тилларга таржима этилган асарлар бугун ўқувчи эътиборини тортмай қўйди. Уларга бағишлаб ёзилган илмий мақолалар ҳам эскирди. Қизиқ ҳол. Ҳозирда ўзбек адабиётида шоир, ёзувчи, танқидчиларнинг ичида деярли бутунча эскирган, яроқсиз ҳолга келган асарлари анча мунча топилади. Тоталитаризмнинг қулаши ва бу сиёсий бошқарув усулига хизмат қилган асарларнинг бирданига назардан четда қолиши айримлар учун улкан йўқотиш, ўпирилиш бўлиши мумкин.

Замона зайли туйғулари четга сурилиб қолаётган адиблар ижодини ҳимоя қилаётганлар ҳам топилади. Баъзан

фикри ўткир ўқувчилар ҳам юқоридаги асарларни қизиқиб мурожаат қиладилар. Одий мактаб ўқувчиси А. Камюнинг "Улат" романини қизиқиб ўқитганлигини туйғуви бўлганман. "Улат" унча-мунча ўқувчининг тиши ўтмайди деган фалсафий роман ҳисобланади. Демак, "Улат"ни қизиқиб мурожаат қилаётган мактаб ўқувчисини қўлидан келмайдиган ишга уринаётган нодон дейиш даражаси бўйича табақаларга ажратилади.

Э. Фромм ва А. Камюнинг "Жараён" романи хусусидаги фикр-мулоҳазалари ўзаро фарқланади. Гўё улар бир-бирига ўхшамайдиган иккига алоҳида роман ҳақида фикр юритаётгандай... Балки ўзбек адабиётида ҳам турлича талқин этса бўладиган асарлар яратилгандир, аммо уларни талқин қила оладиган танқидчилар йўқдир. Назаримда "Қисмат", "Жажман", "Маймун етаклаган одам" каби ҳикоялар ўзбек насрида кечаётган янгиланишнинг дастлабки ютуқлари бўлиб, улар кўп қиррали талқинларга бардош бера оладиган асарлардир.

Баъзан галати шубҳа пайдо бўлади. Балки, ўзбек танқидчилиги ҳозирги ҳолида адабиётимиз тараққиётига монелик қилаётган катта тўсиқлардан биридир. Озод Ша-

САРАЛАНИШ ФАСЛИ

бадий асарни ҳис этиш, тушуниш ва баҳолаш мезонларидан ўзига хослик, янгиллик интилиш руҳи ажқол сезила бошлаган ёшларни ниҳиллистика ҳам айбалоқчи бўлаётдилар. Шунинг билан лозимки, ўзбек адабиётида катта бир янгиланиш алфози сезилиб қолди. Шериятимиздаги пасайиш, кучсизланиш, адабий танқиднинг сукутга чўмиши ва насрдаги экспериментлар ўзбек адабиёти эврилиши, янгиланишга шайланаётганлигини билдиради.

Шунингдек, у ёки бу асар хусусидаги эскича танқидларимиз ҳам жадал эскираётган. Бу нарса барчани бирдек қувонтирмас керак, деб ўйлайман. "Утган кунлар", "Кеча ва кундуз", "Қутлуг қон", "Сароб" каби романларимизни миллий руҳда талқин қилиш пайти келмадикиман. Шу кунгача бу асарлар елкасига ортиб келганимиз— ижтимоий маъно ортиқча юк бўлиб қолди. Дейдиларки, чинакам бадий асар замирида ҳар доим метаморфоза ҳодисаси ўз бериб туради ва шу туйғулари у ҳеч қачон эскирмайди. Ойбекнинг "Наъматка" шеърини ҳам бир ўқувчилар авлоди ўзгача-ўзгача маънолар топа олишлари мумкин. Балки, А.Қаҳҳорнинг "Сароб" романи ҳақиқий роман талабига жавоб беролмас ёки танқидчилардан бири айтганидек бу асар буюртма билан ёзилгандир. Айнан ўзбек совет адабиётини ҳимоя қилимоқчи бўлганлар шундай деб эътишяпти. Лекин, менимча, "Сароб" романидаги персонажлари характери жуда ҳам жиҳдий илмий таҳлилларга йўл оча билди. Айтиш мумкинки, гўё нурсизланаётган асар ҳақида бакуват янгича талқинларнинг пайдо бўлиши адабиётимиз учун ўта аҳамиятли ҳодисадир. Лекин, тариқча қимматга эга эмаслиги беш қўлда аниқ кўриниб турган асарлардан мўъжиза кутишлик ҳам унчалик тўғри эмас.

"Қанонгача бизлар асарни таллаб ўқиймиз, асар ҳам бизни таллаб кўрсин", деган эди эски танқидчилардан бири. Пол Валери айтдики: бир тур асарлар аудитория даражасига мослаб ёзилади. Иккинчи тур асарлар эса ўзи учун аудитория яратди. Ортега Гасетининг эътирофи эътишо: модернизм адабиёти қиёфасида сўз санъатининг санъатга қос қишлоқлари тақомиллашди, ўсиб, ўқувчилар оммасини табақаларга ажратиб ташлади. Хўш, бизнинг ўзбек адабиётида ўқувчиларни табақаларга ажрата олишга қодир асарлар яратилдими? Бу саволга жавоб бериш анча мушкул. Уйлайманки, хусусан, Рауф Парфининг хоккулари шерият муҳлисларини муайян табақаларга ажрата оладиган ижод намуналаридир.

Лекин, менинг назаримда, одий ва одий бўлмаган ўқувчилар орасига конкрет четгара тортиш қийин. Масалан, "Дон Кихот", "Робинзон Крузо" каби асарларнинг кўп миллионли ўқувчилари бор. Шунингдек, диди юксак,

рофидинонинг ушбу мардона иқдорини ўқигач, бояги шубҳам янага кучайди: "Мутахассисларимиз фалсафа ва психологияга доир китобларни деярли ўқимайдилар. Қандайдир чекланган мафқуравий ақидалар ва ўзларининг ҳаминқадар турмуш тажрибаларига таянган ҳолда бадий асарни таҳлил қилмоқчи бўладилар." Ҳурматли олим ўзбек танқидчилигининг заиф нуқтасини гоёт сергаклик ила илғай олган. Дарҳақиқат, аксари ўзбек танқидчилари битган мақолалар ўзининг синфнинг аълочи ўқувчиси ёган ишгога ўхшайди. Танқидчиларимиз чуқур билиш ва жиҳдий таваққуфдан маҳрумликлари боис асар сюжетига қанадай маҳкам ёпишиб олиб, уни оддийгина баён этишдан нарига ўтолмайдилар. Шунингдек, эстетик қимматга эга бўлмаган носамимийлиги кўриниб турган мақолалар замирида гуруҳбозлик, шахсий адоват ва бошқа иллатлар сезилиб туради.

Адабиётшунос А.Отабойнинг ўзбек танқидчилигининг аянчи аҳволи хусусида айтган ушбу аниқ фикрлари реал асосга эга эканлигига ҳеч шубҳа йўқ. "Адабий танқид ҳисоблардан чарчади, ошна-оғайнигарчиликдан зерикди. Унғаям тоза ҳаво керак. Тарафқашликдан, юзотирчиликдан, билимсизлик ва маданиятсизликдан ҳоли ҳаво зарур. Дунё беҳабар адабий танқид ҳеч қимми қизиқтирмаслиги кўриниб қолди." Ёки катта танқидчиларимиздан бирининг қўлидаги сўзлари ҳам ўзбек танқидчилигининг ҳол-аҳволини кўрсатиб турибди: "Бизлар адабий танқид остида бир-биримизни мактаб, алқаб юрверган эканмиз. Жаҳон адабий танқиди биздан юз қарра ўсиб кетган экан."

Замон ўзбек танқидчилигини ҳам жиҳдий адабий жаҳонга айланишига мажбур қилаётган. Давлат сиёсати адабиётни теж қўйди, у энди аввалгидек сиёсий мафқура юзларини тартиб этишдек сунъий вазифадан халос бўлди. Ҳозирги ўзбек насрида пайдо бўлаётган жиҳдий ўзгаришлар ҳам адабий танқиднинг ривожига туртки бериши мумкин.

Лекин, таассуфки, адабий танқид ҳозирча "туртки"ларни унчалик сезаётгани йўқ. Бир танқидчи "Сен танқидни соғинмадингми?" деб хитоб этди. Албатта, биз танқидни соғиндик. Лекин, қандай танқидни? Маълумки, олмас заргарнинг қўлига тушиб, етарли ишлов олгандан кейин ўз гузаллигини баралла намойиш қиладиган жаҳоғирга айланади. Ҳозирги адабиётини эҳтишога қўлашиб ётган асарлар орасида олмослар йўқ деб қим айта олади. Бизга "олмос"ларни топиб, уларга зарур ҳил бера оладиган ТАНҚИД керак. Биз мана шундай танқидни соғиндик, домага!

Худойназар ДУСТҚОБИЛ, ТошДУ толиби

ҚЎШИҚ БАЙРАМИ

Пойтахтдаги ўқув-тарбия муассасаларида бўлиб ўтган "Ўзбекистон Қўшиқ Байрами" кўрник-танловда хор, қўшиқ ва чопғу мақомчилар, ашула ва рақс дастлавони иштирокчилари, яққалон хонандалар, жамми 30 мингдан зиёд бадий ҳаваскорлик жамоалари аъзолари қатнашиб, мустақил Ватан, унинг истиқлолини эъзозлаш хусусидаги асарларни ижро этишган эди. Танловларда энг яхши асарлар саралаб олинди.

Кўн-кеча баҳорнинг авлоди гулларига бурканган Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон миллий боғи ёшлар билан гажум бўлди. Бу ерда голпбларнинг яқинловчи концерти бўлди.

Суратларда: Қўшиқ байрамидан лавҳалар.

А.ГЕРАСИМОВ суратлари.



ЖИЗЗАХЛИК ЙИГИТНИНГ АМЕРИКАДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

Жиззахдаги ўрта мактабларнинг бирида тахсил олаётган Хотам Қудратов республикамизнинг бошқа бир қатор зеҳли ёшлари қаторида 1996 йилда АҚШга таълим олиш учун кетди. У Колорадо штати Тронтон шаҳрида Филип ва Анжела Раушлар оиласида истиқомат қилиб, маҳаллий ўрта мактабда тахсил олди.

Хотам болаликдан шахмат ўйинига қизиқар эди. У аввал мактаб, сўнгра Колорадо штати мактабларро шахмат мусобақаларида голиб чиқди ва миллий мусобақаларида қатнашиш имкониятига эга бўлди. Апрель ойининг сўнги кунлари Теннесси штатининг Ноксвилл шаҳрида мусобақалар бўлиб ўтди. Мусобақаларда Қўшма штатлардан келган 4 мингдан ортиқ қатнашчи иштирок этди ва унда Х.Қудратов Колорадо штати ва Ўзбекистон байроғи остида ўйнади. Мусобақаларнинг очик секциясида иштирок этган Хотам шарафли ўринлардан бирига эга бўлди.

Х.Қудратовнинг бу мусобақаларда қатнашиб, муваффақиятга эришишида Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси ва «Ньюмонт Майнинг» компанияси яқиндан ёрдам кўрсатди. Маҳаллий «Рокки Маунтинз Ньос» ва «Сентинел» рўзномалари Ўзбекистон ва Хотамнинг ютуғига бағишланган мақола чоп этди.

«Жаҳон» Ахборот агентлиги

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Бахтсизлик юз бермаса, шунинг ўзи бахтиёрликдир.

Севги шундай буюк кучки, у ҳеч кимга итоат этмайди. Унга мол-мулк, чирой, қўрқув билан эришиш амри маҳол.

Муҳаббат қаршисида ҳамма теппа-тенг. Унинг оташи шохни ҳам, гадойни ҳам бирдек қуйдиради.

Беҳишоб бойлик, юқори лавозим, танги хўш, ашаддий зўрлик эвазига бунёд этилган сеvgи маъбудаси боқий эмас.

Фақат амал, дангиллама ҳовли, болам-чақам деб ўтказилган умрини ҳар гал ҳам тўқис деб бўлмайди.

Бахтлиман дейишнинг ўзига яраша хуфёна азоблари бисёрдир.

Танҳолик фақат ой ва қўёшга хос. Инсон тирик экан ўз жуфтини излайди.

Кимнингдир сўзига учиб, ўз ҳаётини бутунлай ўзгартириш ҳам нодонликдир.

Рухсорига маҳдиё бўлиб, қалбига қулоқ тутмаган шахснинг кўнгли ҳушлуги озуққа бормайди.

Собиқ дўст ва ҳамкасбнинг фақат ибратли ҳислатларинигина эслаш кифой.

Доҳликка барча даъвогар бўлиши мумкин-у, аммо у камдан-кам одамга насиб этади.

Кўнглига тугилган ниёт амалга ошмаса, бунинг учун кимнидир айбаш ноҳор шахснинг иши.

Йиллар ўтган сайин инсоннинг кўнгли нозиклашиб, гоҳида тўғри сўз ҳам унга оғир ботар экан.

Ёш кетган сари бировнинг инсофга қақшири ҳам оғир кўчаркан.

Гап ташувчи шахс оёғига болта ураётганини афсус, ўз вақтида англаб етмайди.

Ёлгон гапира туриб, рост сўзашига даъват этган кимсаннинг бир юзи доимо қоралир.

Узи ривож қилмайдиган амал бўйича иш тутишга ундаш ҳар гал ҳам тўғри бўлвермайди.

Эрмак учун бировга юрак очилмайди. Акс ҳолда бахтиёрлик нашиласини бир умр англамай ўтиш мумкин.

Ёлғизлик ваҳимаси сочинга оқ оралаган сари ўз домига тортаверар экан.

Бировни ноҳақ қоралаб бўлмайди, агар шу ҳол юз берса, демак ўзинг бетовфиқсан.

Ислом УСМОНОВ.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ЁШЛАР

Халқ урф-одатлари ва маросимлари ҳозирги ҳаётимизнинг беэзаб турибди, олднинг авлодларига ҳурмат-эҳтиром туйғуларида сингдирилди. Буни Тошкентда бўлиб ўтган "Миллий қадриятлар ва ёшлар" республика таллаблар кўрик-танлови иштирокчилари яна бир бор исботладилар. Уни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти, таъшиқ этди. Кўриқда бир йўналишдаги туртта олий ўқув юрти талабалари командалари иштирок этди. Булар: Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, шунингдек Андижон ва Наманган муҳандис-иқтисодиёт институтиларидир.

Командалар намойиш этган дастурлар ҳазил-мутойиба, қўшиқлар, нозик халқ юморига бой эди. Ҳаваскор артистлар буютмалар орқали виолончелардаги кўп асарлардан бундан эътиборан миллий урф-одатлар ва ҳозирги ҳаётимиз билан уйғунлашган аънавалар тўғрисида сўзлаб бердилар.

Бу талабаларнинг миллий қадриятларини тиклаш мавзусига бағишлаб республикада биринчи марта ўтказилган танловдир.

Набатдаги танлов Бухорода ўтди. Анча ИВАНОВА, ҲА муҳбири.

ҚОЗОНГА ЯҚИН ЮРСАНГ...

Яқинда хизмат юзасидан тери-таносил касалликларини даволаш тиббий муассасасида бўлдим. Юмушларни бажариб қайтаётганимда, касалхона деразасидан ташқарига қараб турган таниш жувонни учратдим. Хомуш кайфиятдаги жувон мени дарров таниди.

Салимдан хол-аҳвол сўрадим. Афсуски, 22 ёшли бу аёл эски "қилини" сабаб яна касалхона "меҳмон"и бўлибди...

Дугоналарига эргашиб келган Салима даврага қўшилмай бир четда ўтирар, ҳар замонда ўзига тикилаётган бадмаст нигоҳлардан ҳижолат чекар, тезроқ бу ердан кетгиси келарди. Уни эътиборга бошлаб келган Ирода билан Умиданинг эса парвои йилданг. Йигитлар шилқимлик қилвергач, Салима дугоналарини кеттиришга қўстай бошлади. Умид ва Ирода норози қиёфада ноилоҳ қўзғалишди.

Намунча ҳаётдан орқада қолгансан, ҳозир замонавий ёшларнинг ҳаммаси шу. Одобли қиз бўлиб юртнинг билан сента бирор раҳмат дермиди. Беш кунлик дунёда кайфу-сафо қилиб қолсангчи, тентак-

деб мазахлашди уртоқлари. Орадан бир-икки кун ўтиб, қизлар яна базмга отланиб қолишди. Салима бу гал имтиҳонларга тайёриллигини баҳона қилмоқчи эди, бўлмади.

Вой-буй, ўқитган бир сенми? Биз ҳам Самарқандда фақат ўйнаб юрмагандирмиз, пичинг қилди Умида.

Кўйсангчи, имтиҳонларни пул билан тўғирласан ҳам бўлади. Нима қилсан бекорга мянгни ачитиб. Қани тур, қийин, дея гапга қўшилди Ирода.

Бора-бора базмлар Салиманинг кундалик эрмагига айланиб қолди. Салима қадди-қомати, чиройи билан эркакларнинг кўзига яқинроқ эди. Ана шундай баму-жамилларнинг бирида пулдор бойваччалардан бири қизга хушомат қилиб, узатди. Мақтовлардан қизариб ўтирган Салима келишган йигитнинг қўлини қайтаролмади. Ичига-ичиди, кўнгли беҳузур бўла бошлади. Тоза ҳавога чиқмоқчи бўлиб эшикка йўналган эди, йигит келиб қўлга тигилган олди. Ташқарига чиқишгач, "Мерседес"нинг эшигини очиб, "айлантириб келаман", дея қизни машинага

ўтиришга таклиф қилди. Машинада шахарни қанча айлангани Салиманинг эсида йўқ.

Фақат қандайдир кўп қаватли уйлارнинг бирига келишганини, лифт билан тепага кўтарилиш пайтида бойвачча қўлига шивирлаб, қоп-қоп ваъдалар бераётганини чала-чулла эслади, холос...

Бойвачча ниятига етгач, пўписа қилишга кўнглини қайтаролмади, деб қизни мажбурлаб ҳамтовоқларига "ошириб юборди".

Салима шу тахлит зинокорлик гирдобига тушиб қолди. Оқибат шу бўлдики, дарсларга қатнамай қўйгани, имтиҳонларни топширолмағлиги учун ўқишдан ҳайдалди. Имтиҳонларни пул билан тўғирласан бўлишига ишонтирган дугоналарига Умида ва Ирода эса билим юртини битириб, яна ҳеч нарса кўрмагандай юртларига кеттишди.

Салима қишлоғига қайтиб келолмади. Самарқандда қолиб, пул эвазига дуч келган эркакнинг кўнглини хушлаб юрaverди. Узининг айтишига қараганда унинг бу ҳолга туши-

шига ота-онасининг совуққонлиги сабаб эмиш.

"Уйимизда тинчлик йўқ эди, дейди у, - доимо жанжал, тўполон. Ота-онам бирига яшамасдилар ҳисоб. Дадам аямга бемехр эдилар. Мен Самарқандда қандай ўқиялман, қандай яшайман, ҳеч ким қизиқмасди. Ҳатто бирор марта хабар ҳам олишмаганди."

Хўш, ота-онаку, фарзанди тақдирига бу қадар лоқайд экан, лекин у таълим олган билим юрти ўқитувчилари-чи? Талабанинг юриш-туришидаги ўзгаришлари улар пайқамай қолишмагандир? Ахир, фанларни ўзлаштириши пайсаиб кетганидан ҳам сезиш мумкин эди-ку. Талабани фақат етук мутахассис эмас, балки ҳар томонлама мукамал инсон қилиб тарбиялаш уларнинг зиммасига юклатилган масъулият эмасми?

Шу ўринда келинлик либоси кийишни орзу қилган қизларимизга айтадиган икки оғиз сўзимиз бор. Халқимиз "қозонга ақин юрсанг қораси юқади", деган нақлни бежиз айтмаган. Ўзи тойган ботқоққа бировни ҳам тортадиган дўстининг, дугонанинг баҳридан ўтмоқ керак.

Уни эгри йўлга бошлаган

Ирода ва Умида ҳам, ўша худбин бойвачча ҳам ҳозир фарзанд устиришяётгандир.

Эрта-индин қизлари воёга етиб, "ёмонларга қўшилма", дея насихат қилишяётганда ўзлари покиза бир қизнинг ёшлигини ҳазон қилгани ёдига тушмасмикин?

Мана, Салиманинг таржимаи ҳолидан салбий саҳифалар баён этилди. Бироқ, энг муҳшидан Салима билан хайрлашиш олдида хабар топдим.

Мен учратган пайтда Салима касалхонага "захм" хасталиги билан ётқизилган экан. Аммо касалхонага ётишдан илгари таносил касаллигига чалинган даврда ҳомилдор бўлиб қолган Салима илк зуриёдини олдириб ташлашга мажбур бўлибди. Чунки бола она қорнидан тугма хасталик билан туғилиши эҳтимоли бор экан. Биринчи ҳомиласини олдирган аёлнинг она бўла олишиги, шифокорнинг таъкидлашича номатлум эмиш...

Анвар ҒУЛОМОВ Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси Ахлок милицияси бўлинимаси бошлиғи.

«ДАВРОН ЭЛИНИНГ ЖИСМИДА...»

Тошкент Давлат Университетида ўтказилган анжуман «Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлган, — ҳам жонларига мояи дармон бўлган» деб номланди. Уни Қизил Ярим. Ой ва Қизил Хоч халқро ташкилотининг Собир Раҳимов туман қўмитаси Қувайт халқро

ҳайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказди.

Тошкент Давлат Тиббиёт институтининг 26 нафар талабаси жамиятнинг кўнглини аъзолари сафига қабул қилинди. Қувайт хайрия жамғармаси раиси ўринбосари Фарис Саид жамиятнинг кўнглини аъзоларига эсдалик совғалари топширди.

Ҳ. ТҮЙМАНОВА.

Advertisement for "ЖИЗЗАХЛИК" magazine, featuring a woman reading and contact information for Anvar Gulomov.

Advertisement for Uzbekistan Publishers' Association (Ўзбекистон ёшларининг «Кампоп» жамғармаси).

Advertisement for Boz Muxarrir Abdugodir Nizozov, including contact information for Navbatchi muxarrir: Muxtasar Tojimmamotova.

Advertisement for tax services (ТАХИРИЯТ) with contact numbers for various services.

Advertisement for freelance writers (Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин) and design services (Дизайн устаси С.ФАЙЗУЛЛАЕВ).